

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРМУХАМЕДОВ УЛУГБЕК ЗАБИХУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА КЎП ПОҒОНАЛИ
ЛОЙИҲАЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИК
ВА ЭСТАКАДАЛАРИНИНГ СЕЙСМИК ҲИМОЯВИЙ ТАЯНЧ
ҚИСМЛАРИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСЛАШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Шермухамедов Улугбек Забихуллаевич

Ўзбекистон Республикаси шароитида кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олган ҳолда темир йўл кўприк ва эстакадаларининг сеймик ҳимоявий таянч қисмлари параметрларини танлаш ва самарадорлигини асослаш.....

3

Шермухамедов Улугбек Забихуллаевич

Обоснование эффективности и подбор параметров сейсмозащитных опорных частей железнодорожных мостов и эстакад с учетом многоуровневого проектирования в условиях Республики Узбекистан

31

Shermuxamedov Ulugbek Zabixullaevich

Justification of efficiency and selection of parameters of seismic supporting parts of railway bridges and overpass taking into account multi-level design in the conditions of the Republic of Uzbekistan.....

59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШЕРМУХАМЕДОВ УЛУГБЕК ЗАБИХУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАРОИТИДА КЎП ПОҒОНАЛИ
ЛОЙИҲАЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИК
ВА ЭСТАКАДАЛАРИНИНГ СЕЙСМИК ҲИМОЯВИЙ ТАЯНЧ
ҚИСМЛАРИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСЛАШ**

**05.09.02 - Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tstu.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) Ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рашидов Турсунбай

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Ишанходжаев Абдурахман Асимович

техника фанлари доктори, профессор

Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович

техника фанлари доктори, профессор

Смирнов Владимир Николаевич

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура қурилиш институти

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "11" сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99871) 299-00-01, e-mail: rektorat@tstu, tashiit@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (03.09 билан рўйхатга олинган).

Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01.

Диссертация автореферати 2021 йил "24" август кuni тарқатилган.
(2021 йил "2" август даги 3 рақамли реєстр баённомаси).



А.А.Рискулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

Р.М. Худайкулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, PhD

И.С. Содиков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, хусусан Франция, Германия, Испания, Италия, Англия, Венгрия, Швеция, Россия, Япония, Корея, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда темир йўллардаги транспорт иншоотларининг сейсмик хавфсизлиги ва сейсмик мустаҳкамлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга сейсмоизоляция ва сейсмосўндиришни қўллаш орқали кўприкларни антисейсмик кучайтиришга асосланган кўп поғонали лойиҳалаш усуллари ишлаб чиқиш, темир йўл кўприк ва эстакадалари таянчлар тебранишларининг динамик сўндиргичларини қўллаш усуллари такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан ҳар бир ривожланган мамлакатнинг сейсмик ҳудудларида темир йўл кўприкларини лойиҳалаш ва қурилиши ҳамда дунё бўйича ривожланаётган шаҳарларда поездларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ҳозирги кунда темир йўл транспортидаги кўприк ва эстакадаларда кўп поғонали лойиҳалаш усуллари қўллаш муаммоларини янада чуқурроқ тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада темир йўл кўприкларининг ўзаро таъсир қилувчи элементларини “таянч – оралик қурилма – йўл устки қурилмаси” концептуал илмий ёндашувида ўзаро таъсир этувчи яхлит тизим сифатида кўрилиб, сейсмоизоляциялаш усуллари такомиллаштириш, темир йўл кўприкларини махсус сейсмоҳимоялаш усуллари яратиш, транспорт иншоотларининг зилзилабардошлигини баҳолаш учун сейсмоҳимоя қурилмаларининг ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш, сейсмоизоляцияни қўллаш имкониятларини асослаш ва кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олган ҳолда темир йўл кўприкларининг сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг оптимал параметрларини танлаш усуллари ишлаб чиқиш, назарий ва амалий тадқиқотларининг асосий зарур масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг сейсмик ҳудудларида темир йўл транспорт иншоотлари қурилиши жараёнида кучли зилзилавий экстремал шароитларида кўприк ва эстакадаларнинг зилзилабардошлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...йўл инфраструктурасининг келгуси қурилиши ва реконструкция қилиниши...¹” юзасидан вазифалар белгиланган. Мазкур вазифани амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг сейсмик хавфлилигига боғлиқ маълумотлар асосида сейсмик таъсирларни генерациялашни ҳисобга олиб, кўприкларни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш, кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олган ҳолда темир йўл кўприк ва эстакадаларини сейсмоҳимоявий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони.

таянч қисмларининг оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш орқали уларнинг самарадорлигини асослаш, ҳар хил кучга эга сейсмик таъсир жараёнида сейсмоизоляцияланган темир йўл кўприklarининг ҳолатини аниқлаш, реал ва синтетик зилзила ёзувлари кўринишидаги сейсмик кучлар таъсиридаги кўприк ва эстакадалар зилзилабардошлиги масалаларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 4 октябрдаги ПҚ-3309-сон “Автомобил йўллари кўприklarини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3874-сон “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг XIV – «Сейсмология, биналар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Кўприк, йўл ўтказгич ва эстакадаларнинг зилзилабардошлиги муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг қуйидаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: Department of Civil and Environmental Engineering University of California, Pacific Earthquake Engineering Research Center, The Earthquake Engineering Research Institute (АҚШ), Technical University of Berlin, Technische Universität Dresden (Германия), Universidad Politécnica de Madrid (Испания), University of Liverpool (Буюк Британия), University of Patras (Греция), Transportation Technology Center, Ottawa-Carleton Bridge Research Institute (Канада), Kyoto university, Seismic Resistance Experiment Center (Япония), National Center for Research on Earthquake Engineering (Хитой), Россия давлат темир йўллар университети, Петербург давлат темир йўллар университети (Россия Федерацияси), ЎЗР ФА механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон).

Кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олиб кўприklarни сеймосўндириш ва сейсмоизоляциялаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича дунёда, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: темир йўл кўприklarининг

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://ce.berkeley.edu/>, <https://www.liverpool.ac.uk/>, <https://www.upatras.gr/>, <https://tu-dresden.de/>, <https://www.ait.ac.jp>, <https://peer.berkeley.edu/>, <https://www.preventionweb.net/>, <https://www.eeri.org/>, The 12th European Conference on Earthquake Engineering, London, UK; The 15th World Conference on Earthquake Engineering, Lisbon; <http://www.maurer-soehne.com/>; <http://www.fip-group.it/>; <https://stroycomplex-5.ru/> и др.

сейсмоизоляциялаш масалалари, зилзила бошланишида поездларни автоматик тормозлаш тизимини ишлаб чиқиш (Kyoto university, Seismic Resistance Experiment Center, Япония); сейсмоизоляцияли кўприкларда рельс изларининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини текшириш орқали энергия ёйилишининг инновацион тизими ёрдамида оралик қурилмани пилон конструкцияси билан улаш ва зилзила жараёнида кўприкнинг силжишларини чегаралаш усуллари такомиллаштирилган (University of Liverpool, Буюк Британия); темир йўл кўприкларида йўл устки қурилмасининг ишини ҳисобга олиб махсус сейсмоҳимоялаш усуллари ишлаб чиқилган (Anti-Seismic Systems International Society, Италия; Петербург давлат темир йўллар университети); кучли зилзилалар вақтида кўприкларни кўп поғонали лойиҳалаш тамойиллари такомиллаштирилган (Department of Civil and Environmental Engineering University of California, The Earthquake Engineering Research Institute, АҚШ; University of Patras, Греция; National Center for Research on Earthquake Engineering, Хитой).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иншоотларнинг замонавий зилзилабардошлиги бўйича илмий назарий ва экспериментал тадқиқотлар, кўприкларда сейсмосўндириш ва сейсмоизоляциялаш билан шуғулланувчи дунёнинг йирик олимлари: М. Bio, D. Kelly, К. Kubo, Sh. Okamoto, M.N. Fardis, D.J. Barr, B. Robinson, R. Skinner, D. Kollings, R. Gomes, X. Iemura, P. Huber, S. Infanti, E. Djenarimo, L. Di Sarno, Xauzner, постсовет давлатларида А.Д. Абакаров, В.А. Биховский, М.Ф. Барштейн, А.И. Мартемьянов, Н.А. Николаенко, М.М. Онищенко, И.И. Гольденблат, А.Б. Гроссман, О.А. Савинов, Я.М. Айзенберг, Г.Н. Карцивадзе, Ш.Г. Напетваридзе, И.Л. Корчинский, С.В. Медведев, В.С. Поляков, А.М. Уздин, Т.А. Белаш, В.А. Ильичев, В.И. Смирнов, Э.Е. Хачиян, Е.Н. Курбацкий, Г.С. Шестоперов, И.О. Кузнецова, С.А. Шульман, З.Г. Хучбаров, Б.Г. Коренев, А.А. Никитин, А.Ю. Симкин, Т.В. Суконникова ва жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, университетлари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган. Кўприклар зилзилабардошлиги соҳасидаги назарий ва амалий илмий тадқиқотлар натижалари А.М. Уздин ва И.О. Кузнецова (2014) ларнинг ишларида батафсил таҳлил этилган.

Республикамизда сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги масалалари бўйича В.Т. Рассказовский, М.Т. Уразбаев, К.С. Абдурашидов, Т. Рашидов, Г.Х. Хожметов, А.Х. Абдужабаров, А.А. Ишанходжаев, М.Х. Миралимов ва бошқалар олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Аммо, бу тадқиқотларда сейсмоизоляцияни қўллаш имкониятини асослаш ҳамда темир йўл кўприklarининг сейсмоҳимояловчи таянч қисмларининг оптимал параметрларини кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олиб танлаш усули, хорижий мамлакатларда темир йўллардаги кўприк иншоотлари зилзилабардошлиги бўйича тадқиқотларнинг таҳлиliga боғлиқ транспорт иншоотларини ҳисоблаш усуллари етарлича даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ БВ-Атех-2018-14 “Ўзбекистон Республикаси шароитида юқори тезликда ҳаракатланиш магистраллари эстакадалари конструкциясининг компьютер дастурий мажмуаларидан фойдаланиб энг мақбул вариантыни ишлаб чиқиш” (2018-2020) ва ЁА14-001 “Юқори тезликдаги Тошкент-Самарқанд линиясида кўприклар конструкциясини вибродинамик юкларни ҳисобга олиб ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш” (2014-2015) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси шароитларида темир йўл кўприklarининг сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усуллари ривожлантириш учун кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олган ҳолда уларнинг зилзилабардош таянч қисмлари оптимал параметрларини танлаш ва сейсмоизоляцияни қўллаш имкониятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир йўл кўприк ва эстакадаларида сейсмоизоляциялаш ва сейсмосўндириш масалаларининг замонавий ҳолати, кучли зилзилалар натижасида уларга етказилган шикастланишлар характери, сейсмик таъсирга ҳисоблаш усуллари ҳамда кўп поғонали лойиҳалаш тамойилларини тадқиқ қилиш;

сейсмик таъсирларнинг генерацияланишини ҳисобга олган ҳолда кўприкларнинг ҳисоблаш ва сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг бикирлик ва демпферлаш бўйича оптимал параметрларини танлаш усуллари ишлаб чиқиш;

ҳар хил массалар тебранишларининг динамик сўндиргичларини самарадорлигига созлаш аниқлиги таъсири, энг катта ноқулай тезланишлар, ҳамда лойиҳавий зилзила (ЛЗ) ва максимал ҳисобий зилзилалар (МХЗ) учун уларнинг ошиб кетиш эҳтимолини баҳолаш;

кўприк таянчларини бўйлама йўналиш бўйича лойиҳавий зилзилалар таъсирига ҳисоблаш усули ҳамда лойиҳавий ва максимал ҳисобий зилзилаларда таянч қисмларнинг овалсимон тешикларини ҳамда овал бўйича силжишини ночизиқли ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси шароитларида темир йўл кўприklarини сейсмик таъсирларга ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари техник жорий этиш ҳамда кўприклар сейсмоҳимоявий қурилмаларининг конструкцияси ва жойлаштирилиши бўйича янги техник ечимларни ишлаб чиқиш;

турли даражали сейсмик таъсирлар остида сейсмоизоляцияланган темир йўл кўприklarининг ҳолати ва эксплуатацион юкларда кўприк полотноси элементларининг иш қобилиятини баҳолаш;

сейсмик ҳудудларда темир йўл кўприк ва эстакадаларини сейсмоҳимоялаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республика сейсмик ҳудудларида жойлашган темир йўл кўприк ва эстакадалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўп поғонали лойиҳалаш усуллари, темир йўл кўприк таянчлари ва сейсмоҳимоявий таянч қисмлари, улардаги тебранишларнинг динамик сўндиргичлари (оралиқ қурилмалари), демпферлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қурилиш механикаси ва иншоотлар динамикаси усуллари, сейсмоҳимоявий қурилмалар билан кўприкнинг математик модели, уларнинг сонли усуллари, анъанавий усулда созланган конструкциялар билан сейсмоҳимоявий қурилмаларнинг оптимал параметрларини таққослаш усуллари, темир йўл кўприklarини сейсмоизоляциялаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темир йўл кўприк ва эстакадалари таянчлар тебранишлари динамик сўндиришнинг истиқболли конструкциясини қўллаш мақсадга мувофиқлиги кўп поғонали лойиҳалаш усулини қўллаган ҳолда асосланган;

темир йўл кўприк ва эстакадалари таянчлари тебранишларнинг динамик сўндиргичлари кўринишида оралиқ қурилма массасидан фойдаланишнинг сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш усули ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг сейсмик шароитларини ҳисобга олган ҳолда, энг катта ноқулай тезланишлар ҳамда лойиҳавий ва максимал ҳисобий зилзилалар учун уларнинг ошиб кетиш эҳтимолини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

сўндирувчи масса (оралиқ қурилма) бир неча бор (2 ва ундан ортиқ) сейсмик таъсирга учраётган конструкциялар (таянчлар) массасидан ошганда унинг тебранишлари динамик сўндиргичларнинг созлаш аниқлиги таъсирини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

кучсиз таъсирларда кўприк ва эстакадалар сейсмоизоляциясини қўллаш самарадорлиги, кучли таъсирларда эса сейсмоҳимоявий қурилмаларнинг оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш темир йўл кўприklarининг зилзилалар акселерограммалари бўйича ҳисоблаш усули ёрдамида асосланган;

кўприк таянчларини бўйлама йўналиш бўйича зилзилалар таъсирига ҳисоблаш ҳамда ҳар хил таъсирларда сейсмоҳимоявий қурилмаларнинг овалсимон тешиклари ва овал бўйича силжишини ночизиқли ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг сейсмик шароитларини ҳисобга олган ҳолда зилзилаларнинг ҳар хил (лойиҳавий ва максимал ҳисобий) таъсирларида сейсмоизоляцияланган темир йўл кўприklarининг эксплуатацион ишончлилиги ҳамда эксплуатацион юкларда кўприк полотноси элементларининг ишлаш қобилияти реал ва синтетик акселерограммалардан фойдаланиб баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сейсмик таъсирлардан темир йўл кўприк ва эстакадалари ҳимояси махсус конструкцион усуллариининг таҳлили амалга оширилди ҳамда темир йўл кўприklари таянчлари тебранишларини динамик сўндиришда

сўндирувчи масса сифатида оралик қурилмаларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

темир йўл кўприklarининг зилзилабардошлигини ошириш мақсадида эксплуатацион юклар таъсири остида йўл устки қурилмасининг иш қобилиятини баҳолаш ишлаб чиқилган дастурий комплексдан фойдаланиб такомиллаштирилган;

темир йўл кўприк ва эстакадалари таянчлари учун тебранишларнинг динамик сўндиргичлари сифатида оралик қурилма массасини қўллаш янги илмий ечим сифатида ишлаб чиқилган;

ЭҲМ учун компьютер дастури кўринишида тақдим этилган тўсинли кўприklar таянчлари тебранишларининг динамик сўндиргичлари самарадорлигини автоматлаштирилган ҳисоблаш усули яратилган;

темир йўл кўприklarининг сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг оптимал параметрларини кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олиб моделлаштиришга имконият яратувчи ЭҲМ учун дастурий комплекс ишлаб чиқилган;

кўприк таянчларини бўйлама йўналиш бўйича зилзилалар таъсирига ҳисоблаш ҳамда ҳар хил таъсирларда сейсмоҳимоявий қурилмаларнинг овалсимон тешиклари ва овал бўйича силжишини ночизиқли ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қурилиш механикаси усулларида, ҳамда синовдан ўтган дастурий комплекслардан фойдаланиш орқали таъминланиши, транспорт иншоотларининг зилзилабардошлиги соҳасида ишлайдиган бошқа мутахассислар томонидан олинган натижаларга мос келиши, келтирилган техник ечимларнинг асосли эканлиги Ўзбекистон Республикаси сейсмик шароитларини ҳисобга олган ҳолда темир йўл кўприklarини лойиҳалаш ва қуриш амалиётига кенг кўламда жорий этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир йўл кўприklarининг сейсмоизоляциялаш ва сейсмоҳимоялаш жараёнларини кўп поғонали лойиҳалашнинг сонли ҳисоблаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олган ҳолда, сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг оптимал параметрларини танлаш усулини ишлаб чиқиш, ҳамда кўприк таянчлари тебранишларининг динамик сўндиргичларини созлаш хатолар таъсирини ўрнатиш, кўприк ва эстакадалар таянчлари тебранишларининг динамик сўндиргичларининг янги назарий ечими, бунда сўндирувчи масса (оралик қурилма) икки ҳимояланувчи объект (таянч) лар орасига жойлаштирилади ва тебранишларини сўндириши, ҳар хил сейсмик таъсирларда темир йўл кўприklarининг ҳолати баҳолалиши, темир йўл кўприк ва эстакадаларининг сейсмоҳимоявий қурилмаларини лойиҳалаш масаласини сонли енгиллаштириш имконини бериши, улар лойиҳаловчига сейсмоҳимоявий қурилмалар элементларининг оптимал параметрлари (ўлчамлари ва

бикирлиги) ни танлаш ва асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси шароитларида кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олган ҳолда, темир йўл кўприк ва эстакадаларининг сейсмоҳимоявий таянч қисмларини оптимал параметрларини танлаш ва уларни самарадорлигини асослаш бўйича тадқиқотда олинган илмий натижалар асосида:

Таянч тебранишларининг динамик сўндиргичлари самарадорлигини автоматлаштирилган ҳисоблаш усули “Ўзбекистон темир йўллари“ АЖ таркибидаги “Тоштемирйўллойиҳа” МЧЖ корхонасига жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари“ АЖнинг 2021 йил 20 майдаги 01/2136-21-сон маълумотнома). Тадқиқот натижаларининг қўлланилиши, лойиҳалаш жараёнида темир йўл кўприкларининг сейсмоҳимоявий қурилмаларининг лойиҳаланаётган элементлари ўлчамлари ва бикирлигини танлаш имконияти яратилади;

Тўсинли кўприкларнинг сейсмик хавфдан ҳимояловчи таянч қисмларининг оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш усули “Ўзбекистон темир йўллари“ АЖ таркибидаги “Тоштемирйўллойиҳа” МЧЖ корхонасида массаларнинг турли хил ўзаро нисбатларида сейсмик жихатдан ҳимояланган таянч қисмларнинг бикирлик ва демпферланиш параметрларини олиш учун жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари“ АЖнинг 2021 йил 20 майдаги 01/2136-21-сон маълумотнома). Натижада, танлаб олинган оптимал параметрларга эга стерженли амортизаторлардан иборат сейсмоҳимоявий воситаларидан фойдаланган ҳолда, сейсмик юкламаларни камайтириш ҳисобига, темир йўл кўприги зилзилабардошлигини 48% ошириш имконини берган;

Темир йўл кўприкларининг сейсмик жихатдан ҳимояланган таянч қисмларининг оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш бўйича кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган усули “Стройкомплекс–5” томонидан яратилган сейсмоҳимоявий тизимига эга “Сочи–Адлер” линиясидаги кўприкларни лойиҳалашга жорий этилган (Россия Федерацияси, «Стройкомплекс–5» МЧЖнинг 2021 йил 25 майдаги 078/21-91-М/01-сон маълумотнома). Натижада сейсмоизоляцияловчи таянч қисмларининг қўлланиши кўприк таянчига тушадиган сейсмик юкланишларни камайтиришга ва таянч тебранишлари динамик сўндиргичларининг самарадорлини оширилишига, асосий қурилиш материаллари сарфини 1,2 мартаба қисқартириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот ишларининг натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича умумий 34 та илмий иш чоп этилган, улардан 1 та монография, 31 та илмий мақола, шу жумладан хорижий журналларда 10 та, “Scopus” базасидаги журналларда 4 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола республика журналларида нашр этилган. Шу билан бирга, дастурий ҳисоблаш маҳсулотлари учун 2 гувоҳнома олинди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиёт ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни, асосий қисми эса 180 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот этиладиган масала ҳолатининг таҳлили”** деб номланган биринчи боби сейсмик ҳудудларда кўприкларни сейсмоизоляциялаш ва сеймосўндириш борасидаги техник масалалар шарҳига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик жиҳатдан хавфлилиги ва кучли зилзилаларда кўприкларнинг шикастланиш табиати таҳлил қилинган. Кўприк конструкцияларининг зилзилалар акселерограммалари ва спектрал усул бўйича зилзилабардошлигини баҳолаш усулларининг таҳлили бажарилган. Сейсмик ҳудудларда кўприкларни кўп поғонали лойиҳалаш тамойиллари келтирилган.

Ҳозирги кунда кўприкларнинг сейсмик таъсирларга амалдаги мавжуд ҳисоблаш усуллари уларнинг зилзилабардошлиги, чидамлилиги ва ишонччилигини тўлалигича таъминлаб бермайди. Шу сабабдан кўприкларнинг зилзилабардошлигини асосий таъминлаш усуллари ва хусусиятлари кўриб чиқилган. Кўприклар таянчларига тушадиган горизонтал сейсмик юкларни камайтиришнинг иккита – *анъанавий* ва *махсус* йўли мавжуд. Бунда кўприклар зилзилабардошлигини таъминлашнинг энг самарали усули – махсус сейсмоҳимоя тизимларидан фойдаланишдир. Улар *сейсмоизоляция* ва *сеймосўндириш* тизимларидир.

Сейсмоизоляциянинг мавжудлиги поезд тормозланиши ёки жойидан кўзғалишида оралиқ қурилманинг кўприкка кириш жойлари кўтармасига нисбатан анча катта (5-15 см) силжишларига олиб келади ва йўл устки қурилмасининг бузилиши (ёки рельс плетларининг узилиши) ни келтириб чиқаради. Россиядаги кўприкларни лойиҳалаш меъёрларида таянчнинг устки қисмини силжишига чекловлар қўйилган бўлиб, бу эса йўлни эксплуатацион юклар таъсири остида ишлаши жараёнида салбий натижаларга йўл қўймаслиги лозим. Бу чеклов (1) ифода кўринишига эга:

$$u_{\max} < 0.5 \cdot \sqrt{L}, \quad (1)$$

бунда u_{\max} – таянч устки қисмининг эксплуатацион юк остида энг катта силжиш миқдори, см; L – кўприк оралиқ қурилмаси, м.

Ҳозирги вақтда чизикли-спектрал усул (ЧСУ) темир йўл кўприklarини лойиҳалашда асосий усул сифатида қабул қилиниб, Россия, Япония, АҚШ ва Европа Ҳамжамияти давлатларининг меъёрий хужжатларида тан олинган ва киритилган. Аммо темир йўл кўприklари учун махсус сейсмоҳимоя билан динамик ҳисоблар асосий восита бўлиб қолмоқда, чунки бундай кўприklарни ҳисоблаш учун спектрал усул қўлланилмайди. Зилзилалар акселерограммалари бўйича ҳисоблашлар оммавий қурилиш объектларига нисбатан кўприklар учун аҳамиятлироқ бўлиб, янада ривожлантирилишга муҳтож.

Зилзилаларнинг акселерограммалари бўйича ҳисоблаш ишлари вақт бўйича сонли интеграллаш усулларида бажарилади, бундай усул билан вақтнинг ҳар бир дақиқаси учун иншоотнинг зилзилабардошлигини тавсифловчи силжиш, тезланиш, куч ва бошқа омиллар аниқланади. Бунда бошланғич маълумот сифатида ҳисобий акселерограммалар пакети, ҳамда конструкциянинг бикирлик, инерция ва демпферлаш тавсифлари хизмат қилади.

Мамлакатимиздаги зилзилабардош конструкциялар учун амалдаги меъёрларда махсус сейсмоҳимоялаш, кўприklарни лойиҳавий зилзилалар (ЛЗ) ва максимал ҳисобий зилзилалар (МХЗ) бўйича ҳисоблаш масалалари деярли келтирилмаган.

Дунё бўйича зилзилабардош қурилиши амалиётида маълум даражали зилзилабардош иншоотларни лойиҳалашга *кўп поғонали ёндашув* амалга оширилмоқда. Транспорт иншооти айна шундай ёндашувга мувофиқ сейсмик таъсирларнинг мос чегаравий ҳолатларининг бир нечта даражаси учун ҳисобланади. Бунда уларнинг сейсмик тебранишларига хос бўлган, кўприк устида вақтинча юк бўлиши, кўприк масъулияти даражаси, сейсмоизоляция ва қўлланган сейсмосўндиргич турларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш учун имкон яратади.

Шарҳ натижалари, адабий манбалар таҳлили, қўйилган мақсадларга мувофиқ ишлаб чиқилган хулосалардан келиб чиққан ҳолда сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усуллари ривожлантиришга назарий ва амалий дастлабки шарт-шароитлар, сейсмоизоляцияни қўллаш имкониятларини асосланиши ва темир йўл кўприklари сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг Ўзбекистон Республикаси шароитларида кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олиб, оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш йўллари белгиланди, тадқиқотларнинг асосий масалалари шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Сейсмик таъсирларни генерациялашни ҳисобга олиб кўприklарни ҳисоблаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг сейсмик хавфлилигини генерациялашни ҳисобга олиб баҳолаш масалалари, сейсмик таъсирлар генерациясини ҳисобга олган ҳолда кўприklарни кўп поғонали лойиҳалашда

ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш, ҳамда энг юқори тезланишларни баҳолаш ва лойиҳавий (ЛЗ) ҳамда максимал ҳисобий (МХЗ) зилзилалар учун ундан ошиб кетиш эҳтимолини баҳолашга бағишланган.

Ҳозирги вақтда Россияда ҳудуднинг сейсмик жиҳатдан хавфлилиги ситуацион сейсмиклиги, яъни ОСР-2012 меъёри бўйича А, В ва С хариталардан ҳисобий баллар қийматига қараб аниқланади. Афсуски, бизнинг транспорт қурилишига оид лойиҳалаш институтлари кўприкларни сейсмик таъсирларга ҳисоблашда Ўзбекистон ҳудуди учун ситуацион сейсмиклик ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслиги сабабли реал ёки синтетик акселерограммалардан фойдаланмайдилар, кўприкларни эса ЧСУ бўйича ҳисоблаш билан чегараланадилар.

Шунинг учун, муаллиф томонидан Ўзбекистон ҳудудининг хавфлилигини генерациялашни ҳисобга олган ҳолда сейсмик ҳудудлаштириш хариталари асосида баҳолаш усули таклиф этилди. Иш доирасида қуйидаги таъсирлар кўриб чиқилган: *лойиҳавий, ўртача ва максимал зилзилалар*.

Лойиҳавий, ўртача ва максимал ҳисобий зилзилаларнинг сейсмик таъсирларини сейсмоҳимояни ҳисобга олган ва олмаган ҳолда бериш, ҳисоблашларни эса кўприк ишининг бўйлама йўналиши бўйича бажариш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг *ситуацион сейсмиклигидан* келиб чиққан ҳолда, энг катта тезланиш PGA ни ЛЗ ва МХЗ учун аниқланган. Қуйида темир йўл кўприги учун сейсмик таъсир даражаларини ҳисоблаш бўйича дастурий таъминотдан айрим фрагментлари келтирилган (1-расм). Оптимал сейсмоизоляцияли ва сейсмоизоляциясиз кўприк таянчини ҳисоблаш учун ЛЗ ва МХЗ ларнинг генерацияланган синтетик акселерограммаси тавсифлари 2-расмда тақдим этилган.

1-расм. Таянчларнинг силжиш бўйича меъёрларини қониктирувчи изоляцияли сейсмоҳимояланган кўприкни ҳисоблаш учун МХЗ параметрлари

Выберите акселерограмму	
Каталог, содержащий акселерограмму	C:\Users\Magyar\Desktop\inputSeparation\input noise
Имя выбранной акселерограммы	SimAcc_opt.std
Масштабный множитель	1
Пиковое значение акселерограммы	3.764703
Расчет	
Интенсивность по Ариасу модифицированная, $I_a (m/s^2)$	13.91500
Интенсивность по Ариасу (m/s^2), $I_a^*PMa/2g$	2.22810
Абсолютная кумулятивная скорость, CAV	10.5004398
Интенсивность по Ариасу модифицированная STD	13.8553425
Интенсивность по Ариасу STD	2.2185445
CAV STD	9.9957257
SED	0.2219006
Эффективная продолжительность землетрясения (сек), $T = T_{95} - T_5$	7.65653
Среднеквадратичное ускорение	1.34811
Среднеквадратичная сорость	0.17024
Показатель поврежденности Арайра (m/s)	2.15368

2-расм. Кўприк таянчини ҳисоблаш учун генерацияланган синтетик акселерограммасининг МХЗ тавсифлари

Бундан кейин таъсирларни генерациялаш учун Ариас I_A бўйича


интенсивлиги, абсолют кумулятив тезлик CAV ва сейсмик энергия зичлиги SED куйидаги формулалар бўйича аниқланади:

Ариас бўйича интенсивлиги
$$I_A = \frac{\pi}{2g} * \int_0^{T_{eq}} (\ddot{y}_0(t))^2 dt; \quad (2)$$


абсолют кумулятив тезлик
$$CAV = \int_0^{T_{eq}} |\dot{y}_0(t)| dt; \quad (3)$$

сейсмик энергия зичлиги
$$SED = \int_0^{T_{eq}} (\dot{y}_0(t))^2 dt. \quad (4)$$

Таъсирлар генерацияси натижаларини ҳисобга олиб, кўп поғонали лойиҳалаш бўйича ҳисоблаш ишлари бажарилди ва SinAcc дастуридаги хронограммаси тақдим этилди. 3 ва 4-расмларда келтирилган сейсмоизоляцияланмаган ва оптимал сейсмоизоляцияланган кўприк таянчини SuperSpectra дастури бўйича ҳисоблаш учун, ЛЗ ва МХЗ ларнинг абсолют тезланишлар ва силжишлар спектри бўйича ҳисоблаш натижалари берилган.



3-расм. Кўприк таянчини ҳисоблаш учун МХЗ акселерограммасининг нисбий силжишлари спектри



4-расм. Кўприк таянчини ҳисоблаш учун ЛЗ ва МХЗ ларнинг абсолют тезланишлари акселерограммаси спектри

Ишлаб чиқилган усуллар асосида кўприкнинг ҳисоби аввалги зилзилаларнинг энг кўп тарқалган акселерограммалари бўйича, шу жумладан синтетик акселерограммаларининг икки хили бўйича бажарилди. Бунда зилзилаларнинг генерацияланган синтетик акселерограммаларни ҳисобга олиш кўприкнинг бузилиш эҳтимоли ортиб кетишига олиб келади, чунки дастлабки сейсмик таъсирларнинг юқори частоталари иншоот учун резонансли ҳисобланади.

“Темир йўл кўприк ва эстакадалари сейсмохимоявий таянч қисмларининг оптимал қурилиш-технологик параметрларини кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олиб танлаш усули” деб номланган учинчи бобида кўприкларнинг зилзилабардош қурилишида таянчлар


тебранишини оралиқ қурилмадан сўндирувчи масса сифатида фойдаланиб, тебранишларни динамик сўндиргичларини (ТДС) қўллашнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Бобнинг биринчи қисмида И.О. Кузнецова, А.А. Никитин, А.М. Уздин ва бошқа мутахассисларнинг ишларида тебранишларни динамик сўндиргичларига (ТДС) оид маълумотлар кўриб чиқилди. Бу ишларда турли хил массаларнинг ТДС лари алоҳида-алоҳида кўриб чиқилган. Бизнинг ҳолатда сейсмик тебранишлар жараёнида оралиқ қурилма тегишли созланишлар ҳисобига танчларга нисбатан қарши фазада тебранади ва жамланган сейсмик юкни камайтиради. Бир оралиқли кўприк учун келтирилган сейсмоҳимояни жорий этилиши 5-расмда кўрсатилган, бунда сўндирувчи масса сифатида оралиқ қурилмалардан фойдаланилди.

Созлаш аниқлигини ҳар хил массали динамик сўндиргичлардан фойдаланиш самарадорлигига таъсири кўриб чиқилди. Ишда созлаш параметри сифатида сўндиргичлар ва ҳимояланувчи таянч массаларининг нисбати қабул қилинди. ТДС нинг ҳар хил масса (кичик, ўлчовдош, ўрта, катта ва жуда катта) ларининг мавжуд ечимлари назарияси муаллиф томонидан ривожлантирилган. Бунинг учун урта мавжуд ечимларнинг назарий асослари таҳлил қилинган:

- кичик массали сўндиргич - ($v=M_{\text{рас}}/M_{\text{соор}}=0.1$);
- ўлчовдош массали сўндиргич - ($v=M_{\text{рас}}/M_{\text{соор}}=1$);
- катта сўндиргич (критик массадан ортиқ).

Учала ҳолат ҳам амалий аҳамиятга эга.




5-расм. Бир оралиқли кўприк учун сейсмоҳимояни амалга ошириш намунаси

Темир йўл кўприклари таянчлари тебранишларининг динамик сўндиргичлари қуйидаги ТДС тизимлари эталонлар сифатида қабул қилинади:

1. Сўндиргичсиз тизимлар, яъни ТДС сиз таянч (6, а-расм);
2. Сўндиргич таянчга мустақкам бириктирилган (6, б-расм);
3. Тадқиқ қилинаётган тизим сифатида таянч билан эластик бириктирилган қўшимча масса кўринишидаги динамик сўндиргичли схема танланган (6, в-расм).

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, ҳар хил массали (кичик, ўлчовдош, ўрта, катта ва жуда катта) ТДС самарадорлигини баҳолаш олинган эталон тизимларини ўзаро солиштириш усули билан амалга ошириш лозим.

Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ТДС сейсмоҳимояловчи бирикмалари бикирликларининг оптимал созланган икки массали тизимлар тенгламалари тадқиқоти амалга оширилди (6, в-расм).



6-расм. Оралиқ қурилмалар билан ўзаро боғланган таянчларнинг принципиал схемалари: а) сўндиргичсиз тизим; б) сўндиргич мустаҳкам бириктирилган; в) ТДС ли тизим, яъни таянч билан эластик бириктирилган оралиқ қурилма

Таклиф этилган схемада қуйидаги параметрлар қабул қилинган:

C_{right} – сўндиргич бикирлиги (оралиқ қурилма); C_{pier} – таянч бикирлиги (таянч учун); m_{right} – сўндиргич массаси (оралиқ қурилма); m_{pier} – таянч массаси; γ_{right} – тебранишлар сўндиргичининг сўниш коэффициентлари (оралиқ қурилма); γ_{pier} – таянчнинг сўниш коэффициентлари.

Қабул қилинган белгиларда массаларнинг диагонал матрицаси ва тизим бикирлиги матрицаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M = \begin{vmatrix} m_{right} & 0 \\ 0 & m_{pier} \end{vmatrix} \quad (5) \quad R = \begin{vmatrix} C_{right} & -C_{right} \\ -C_{right} & C_{right} + C_{pier} \end{vmatrix} \quad (6)$$


Тебранишлар сўндирилишини ҳисобга олиб “оралиқ қурилма – таянч” сейсмоҳимояланган тизимининг амплитуда-частота тавсифлари (АЧТ) ни кўриб чиқамиз. Тебраниш амплитудалари қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$U_s(\omega) = \sqrt{\mathbf{a}_s(\omega)^2 + \mathbf{a}_c(\omega)^2}, \quad (7)$$

бу ерда \mathbf{a}_c ва \mathbf{a}_s – тегишлича косинус ва синусда амплитудаларнинг изланаётган векторлари.

Ҳар хил массали динамик сўндиргич самарадорлигини созлаш хатолигига таъсирини ҳисобга олиш усули ишлаб чиқилди. Оптимал параметрларни танлаш натижалари, яъни учала ҳолат учун Mathcad ва Builder C++ дастурий комплекслар ёрдамида бикирлик ва демпферлаш бўйича созлашнинг аниқланган оптимал параметрлари 7-расмда келтирилган. Оптимизациялаш тартиби қуйидаги расмда келтирилган, унда тебранишлар частотасининг берилган диапазонда тизимнинг силжиши минимал ҳисобланади.

7-расмдан маълумки, вертикал ўқ бўйича оралиқ қурилмаси силжишлари амплитудаси $U_s(\omega)_0$, таянч силжишлари амплитудаси $U_s(\omega)_1$ метр ўлчамида, горизонтал ўқ бўйича эса таянч тебранишининг асосий товуши кўзғалишининг частотаси ω қўйилади.




7-расм. Тизимнинг берилган $f_{2 \text{ опт}}=0.86$, $\gamma_{2 \text{ опт}}=0.45$ параметрларида қўзғалиш частотасининг АЧХ га боғлиқлиги

Сўндиргич (оралиқ қурилма) ни созлаш самарадорлигини баҳолаш қуйидаги формула билан ифодаланадиган самарадорлик коэффицентини киритиш йўли билан бажарилади:


$$E_{\text{опт}}(f, \gamma_z) = \frac{U_{\text{опт}} - U(f, \gamma_z)}{U_{\text{опт}}}, \quad (10)$$

бунда $U(f, \gamma_z)$ – тебранишларнинг белгиланган частоталари диапазонида f ва γ созлашлари билан тизим силжиш функцияларининг экстремал қийматлари; $U_{\text{опт}}$ – оптимал қурилиш-технологик созланган тизим силжиш функцияларининг экстремал қийматлари.

$E_{\text{опт}}(f, \gamma_z)$ ларнинг изолинияларда боғлиқликлари 8 ва 9-расмларда келтирилган. Самарадорлик коэффицентини $E_{\text{опт}}(f, \gamma_z)$, яъни ТДС ни қўллаш самарадорлигини иккита асосий эталон-тизимлар – сўндиргичсиз ва сўндиргич билан жуда мустақкам бириктирилган тизимлар билан таққослаш мумкин, яъни тизим массаси сўндиргич массасига кўпайтирилган (6-расмга қ.).



8-расм. $\nu=0.1$ да бикирлик ва демпферлаш бўйича созлашнинг тизим сўндиргичсиз бўлган ҳолат учун бош масса силжишлари камайишига таъсири изолиниялари




9-расм. $\nu=2$ да бикирлик ва демпферлаш бўйича созлашнинг сўндиргич таянчга маҳкам бириктирилган ҳолат учун бош масса силжишлари камайишига таъсири изолиниялари

Графикларда $E_{opt}(f, \gamma_2)$ боғлиқликиннг асосий тизимлари келтирилган. (10)-формуладан бешта ҳолат учун $\nu=0.1, \nu=1, \nu=2, \nu=3, \nu=5$ (тегишлича кичик, ўлчовдош, ўртача, катта ва жуда катта массали сўндиргичлар учун) тузилган бош массанинг бикирлик ва демферлашга боғлиқ силжишлари камайишининг боғлиқлик матрицаси $E_{opt}(f, \gamma_2)$ ни оламиз.

Келтирилган графиклар таҳлил орқали, катта массали сўндиргичлар учун созланишда анча катта миқдорга оғишларга йўл қўйиш мумкинлиги аниқланди. Шунини таъкидлаш лозимки, сўндиргич (оралиқ қурилма) нисбий массасининг ошиши билан юқори самарадорликка зонаси ҳам анча ошади.

$\nu=2$ ҳолат учун эса бикирлик бўйича хатолар $0,06 < f < 0,27$ диапазонида, сўниш бўйича хатолар эса $0 < \gamma_2 < 4,2$ ораликда бўлишига йўл қўйилади. Тебранишлар сўниши бўйича динамик сўндиргичларни созлашда рухсат этилган хатолари сўндиргич массасининг силжиши кўпроқ, асосий конструкциянинг силжишига эса камроқ таъсир кўрсатади.

Бобнинг иккинчи қисмида темир йўл кўприк ва эстакадалари сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг кўп поғонали лойиҳалашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш усули баён этилган. Қирғоқ таянч (таянч) ва динамик сўндиргич (оралиқ қурилма) модели таркибига кирадиган уч массали “Таянч–таянч қисм–оралиқ қурилма” тизимининг ҳисобий схемаси келтирилган. Моделнинг марказий қисми таянчлар билан эластик бириктирилган. Таклиф этилаётган схемада (10-расм) қуйидаги белгилар қабул қилинган:



10-расм. “Таянч-таянч қисм-оралиқ қурилма” тизимнинг принципиал ҳисобий схемаси

C_1 – чап қирғоқ таянчининг бикирлиги; C_2 – ўнг қирғоқ таянчининг бикирлиги;
 C_{21}, C_{22} – тегишлича тебранишлар сўндиргичининг бикирликлари;
 m_1 – чап қирғоқ таянчининг массаси;
 m_2 – ўнг қирғоқ таянчининг массаси; M – сўндиргич (оралиқ қурилма) массаси.

Қабул қилинган белгилашларда массаларнинг диагонал матрицаси ва тизим тебранишлари бикирлигининг матрицаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$M = \begin{vmatrix} M & 0 & 0 \\ 0 & m_1 & 0 \\ 0 & 0 & m_2 \end{vmatrix} \quad (11)$$

$$C = \begin{vmatrix} C_{21} + C_{22} & -C_{21} & -C_{22} \\ -C_{21} & C_1 + C_{21} & 0 \\ -C_{22} & 0 & C_2 + C_{22} \end{vmatrix} \quad (12)$$

Юқорида келтирилган тенгламалардан муаллиф томонидан сейсмоҳимоявий таянч қисмларининг созлашлари f_1 ва f_2 қуйидаги тартибда олинган:


$$f_1 = \sqrt{\frac{C_2(C_1 m_2 - C_2 m_1)}{C_2 \cdot (MC_1 + C_1 m_2 - C_2 m_1)}}; \quad f_2 = \sqrt{\frac{C_2(C_1 m_2 - C_2 m_1)}{C_2 \cdot (MC_1 + C_1 m_2 - C_2 m_1)}} \cdot \chi \quad (13)$$

Кўприкларнинг сейсмик тебранишларини таҳлил қилиб, конструкция ҳар бир элементининг демпферлаш параметрларини ҳисобга олиш лозим бўлади. Демпферлаш билан тебранишлар тенгламалари тизими матрица шаклида қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\mathbf{M}\ddot{\mathbf{H}} + \mathbf{R}\dot{\mathbf{H}} + \mathbf{B}\mathbf{H} = -\mathbf{M}\ddot{\mathbf{Y}}_0, \quad (14)$$

бунда \mathbf{B} – тизимнинг ёпишқоқ демпферлаш матрицаси; $\mathbf{M} = [m_1, m_2, \dots, m_n]$ – массанинг диагонал матрицаси; \mathbf{R} – бикирлик матрицаси; $\mathbf{H} = \{h_1, h_2, \dots, h_n\}$ – умумлаштирилган координаталар вектори; $\dot{\mathbf{H}} = \{\dot{h}_1, \dot{h}_2, \dots, \dot{h}_n\}$ – умумлаштирилган тезликлар вектори; $\ddot{\mathbf{Y}}_0$ – кинематик кўзғалишлар вектори, $\ddot{\mathbf{Y}}_0 = V_p \cdot \ddot{y}_0$; \ddot{y}_0 – асос тезланиши; $V_p = \begin{pmatrix} 1 \\ 1 \end{pmatrix}$ – умумлаштирилган координаталар йўналишларига таъсирлар проекцияларининг вектори.

Демпферлашни ҳисобга олган ҳолда уч массали “Таянч–таянч қисм-оралиқ қурилма” тизимининг ҳисобий схемаси қуйидаги кўринишда кўриб чиқилган (11-расм):



11-расм. Демпферлашни ҳисобга олиб уч массали “таянч-таянч қисм-оралиқ қурилма” тизимининг ҳисобий схемаси

Кўриб чиқилаётган тизим учун гистерезисли демпферлаш матрицаси қуйидагича ифодаланади:

$$\mathbf{B}_c = \begin{pmatrix} f_1^2 \cdot \gamma_1 + f_2^2 \cdot \gamma_2 & -f_1^2 \cdot \gamma_1 & -f_2^2 \cdot \gamma_2 \\ -f_1^2 \cdot \gamma_1 & \mu_1 \cdot \gamma_1 + f_1^2 \cdot \gamma_1 & 0 \\ -f_2^2 \cdot \gamma_2 & 0 & \kappa^2 \cdot \mu_2 \cdot \gamma_2 + f_2^2 \cdot \gamma_2 \end{pmatrix}, \quad (15)$$

бунда f_1^2 ва f_2^2 – тегишлича сўндиргичнинг ноэластик қаршилик коэффициентлари γ_1 ва γ_2 билан сўндиргич тизимининг созланиши;


κ – бикирлик бўйича конструкциянинг асимметрия кўрсаткичи.

Сонли экспериментлар натижалари бўйича сейсмик юклар таъсири остида тебранишларнинг динамик сўндиргичлари вазифасида оралиқ қурилма хизмат қилиши ўрнатилди ва у ҳар хил ҳолатлар учун эластик бирикмаларнинг танланган созланишлари ҳисобига таянчлар билан тескари фазада тебранади, ҳамда уларга таъсир этаётган сейсмик юкларни камайтиради. Ўз навбатида кўприк иншоотларининг зилзилабардош қурилишида таянчлар тебранишларининг сўндириш масалаларига бундай

ёндашув уларнинг зилзилабардошлигини бир мунча оширади, ҳамда темир йўл тўсинли кўприклари таянчларига сейсмик юкларни бир неча мартаба камайтиради.

“Темир йўл кўприklarини сейсмик таъсирларга ҳисоблашларнинг ишлаб чиқилган усуллариини техник жиҳатдан жорий этиш” номли тўртинчи бобда бажарилган. Муаллиф томонидан кўприklarни ЛЗ ва МХЗ да ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Ишлаб чиқилган усул асосида кўприklar таянч қисмлари сейсмоҳимоявий конструктив элементларининг оптимал қурилиш-технологик параметрларини танлаш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Мамлакатимизда темир йўл кўприklarининг таянчлари сейсмик юкларни кўтара олиши учун анча бақувват ва оғир қилиб лойиҳаланади, бу, ўз навбатида, юкларни оширади, ва, бунинг натижасида эса, сейсмоҳимоялашнинг махсус усуллариини қўллаш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Бунга яққол мисол сифатида “Стройкомплекс-5” томонидан яратилган сейсмоизоляция тизимига эга бўлган Сочи-Адлер (РФ) линиясидаги кўприklar хизмат қилиши мумкин. Бу ерда айнан муаллиф томонидан ишлаб чиқилган сейсмоизоляциялаш усули кўриб чиқилган. Ушбу сейсмоизоляциялаш тизимининг принципиал схемаси 12-расмда кўрсатилган.




12-расм. Сейсмоизоляция тизимининг принципиал схемаси

Оралик қурилма (1) билан таянч (5) орасида подферменник (10) орқали қўзғалувчан шарсимон таянч қисм (9) ўрнатилади. Таянч элемент (9) га параллел ҳолатда фрикцион қоплама (ФҚБ) орқали бириктирилган сейсмоизоляцияловчи стерженли амортизатор (6) ўрнатилади. Бунда стерженли амортизатор билан оралик қурилма орасида тирқиш (2) қолдирилади.

Бу унга оралик қурилмадан тушадиган вертикал юкни узатилишининг олдини олади ва қўзғалувчан таянч қисми шу юкни бутунлай ўзига қабул қилади.


Ўзбекистон шароитлари учун ҳисобий сейсмиклиги 9 баллга тенг ҳудудда жойлашадиган 5 ораликли, оддий тўсинли узлукли тизимли темир йўл йўлўтказгичини сейсмоҳимоялашнинг техник жиҳатдан қўллаш масаласи кўриб чиқилди. У табиий заминда жойлашган баланд ва оғир таянчларга эга. Таянч қисмлари анъанавий усулда жойлаштириладиган бўлса, ҳар бир таянчга анча катта горизонтал юк тушади.

Қуйида темир йўл йўлўтказгичини ЛЗ ва МХЗ да стерженли амортизаторларни қўллаган ҳолда ҳисоблаш натижалари келтирилган. Сейсмоизоляция параметрларини танлаш таянч қисмининг силжишга бикирлигини вариациялаш йўли билан амалга оширилди. Демпферлашни ҳисобга олиб, чизиқли-спектрал усулга мувофиқ ҳисобланган таянч товони бўйича моментнинг боғлиқлиги 13-расмда кўрсатилган.



13-расм. Таянч товони бўйича моментнинг сейсмоизоляциянинг силжишга бикирлигига боғлиқлиги

Тахминан $GF=1000$ Т бўлганда самарага эришилади. Бунда таянч товони бўйича момент 1494 Тм га қадар камаяди. Бу сейсмоизоляцияни танлаш жараёнида кўприк таянчлари учун ТДС сифатида оралик қурилмадан фойдаланишга имкон яратди, натижада сейсмик юкларни оптимал параметрлар билан *48% га камайтиришга* олиб келди. Қиёслаш учун, масалан, оралик қурилмасисиз таянч товони бўйича момент $M=1940$ Тм гача етади, таянч қисми бикир бўлганида эса $M=2870$ Тм тенг. Бундан ташқари, силжишларнинг таянчлар тебранишларининг асосий тони даврига боғлиқлик графиги қурилди (14-расм).



14-расм. Оралик қурилма силжиши таянч тебранишларининг асосий тони даврига боғлиқлиги


Афсуски, қўзғалувчан таянч қисмида жойлашган оралик қурилмаларнинг силжишлари кўпинча (1) формулага мувофиқ белгиланган меъёрий қийматлардан ортиб кетаяпти. Тадқиқотчилар томонидан авваллари бажарилган ҳисоблашлар рухсат этилган силжишлар миқдорини бемалол 2 баробарга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Аммо, мазкур ҳолатда столчанинг бикирлигини нооптимал деб қабул қилган ҳолда оширилса ва шу билан бирга, оралик қурилмали таянчга тушадиган юклар миқдорини худди шундай миқдорга камайтирилиши таъминланса, (1) шарт бажарилади.

Кейин эса сейсмоизоляцияланган эластик столча параметрларини иккита вариантда танланди. Биринчи вариантда вертикал юк қўзғалувчан таянч қисми орқали таянчга узатилади, иккинчи вариантда эса вертикал юк

бевосита столчага узатилади. Столча стерженлари таянчга бириктирилган ҳамда оралик қурилмага шарнирлар ёрдамида тираладиган эгиловчан тўсин сифатида ҳисобланган. Изоляцияловчи столчагаларнинг иккала вариантдан биринчиси маъқулроқ, чунки бу ҳолда ҳисобий миқдордан ортиқ юкларнинг таъсири остида столчанинг бузилиб кетиши оралик қурилмани қулашига олиб келмайди. Қўлга киритилган натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси шароитларида темир йўл линияларидаги кўприкларни сейсмоҳимоялашга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунинг учун **сейсмоҳимоялашнинг учта даражаси** таклиф этилди (15-расм).

Ҳимоянинг биринчи даражасида сейсмоҳимоянинг асосий элементи S бикирликка эга стерженли пружина ҳисобланади. Стерженли пружинанинг эгиловчанлиги ҳаракат таркибининг тормозлаш юки $T_{\text{торм}}$ таъсири остида чегаравий силжиш миқдори U_{lim} ни таъминлаш кафолати билан белгиланади.

Сейсмоҳимоянинг иккинчи ва учинчи даражаларида болтлар учун мўлжалланган овалсимон тешикларга эга болт бирикмаси кўринишида фрикцион-қўзғалувчан бирикмалар орқали амалга оширилади. Ҳимоя даражаларининг иккинчи ва учинчилари орасидаги фарқ болтлар ишқаланиш кучининг қийматидадир.



15-расм. Ҳимоя даражаларининг ҳолати: а) биринчи даража; б) иккинчи даража; в) учинчи даража

Таклиф этилган сейсмоизоляция қурилмаларини қўллаш ҳисобига нафақат кўприкнинг эксплуатация жараёнида зилзилабардошлиги ва ишончлилигини кафолатлаш, балки асосий қурилиш материаллари сарфини 1,2 мартага камайтириш, шу билан бирга қурилиш нарҳини қисқартириш имкониятини берди.


Диссертациянинг “**Ҳар хил даражадаги сейсмик таъсирлар остида сейсмоизоляцияланган темир йўл кўприклар ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари ва сейсмоҳимоявий таянч қисмларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги**” деб номланган бешинчи бобида лойиҳавий зилзилалар таъсирида кўприк таянчларини бўйлама йўналиш бўйича ҳисоблаш амалга оширилди, ҳар хил таъсирларда реал ва синтетик акселерограммалардан фойдаланиб кўприк конструкцияларини нозиклиги ҳисоблаш натижалари келтирилган.

